

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 55-ҳадис

55 - وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَدِمَ عُيَيْنَةُ بْنُ حِصْنٍ فَتَزَلَّ عَلَى ابْنِ أَخِيهِ الْحُرِّ بْنِ قَيْسٍ، وَكَانَ مِنَ النَّفَرِ الَّذِينَ يُدْنِيهِمْ عُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، وَكَانَ الْقُرَاءُ أَصْحَابَ مَجْلِسِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ وَمُشَاوَرَتِهِ، كُھُولًا كَانُوا أَوْ شُبَّانًا، فَقَالَ عُيَيْنَةُ لِابْنِ أَخِيهِ: يَا ابْنَ أَخِي؛ لَكَ وَجْهٌ عِنْدَ هَذَا الْأَمِيرِ فَاسْتَأْذِنْ لِي عَلَيْهِ، فَاسْتَأْذَنَ، فَأَذِنَ لَهُ عُمَرُ. فَلَمَّا دَخَلَ قَالَ: هِيَ يَا ابْنَ الْحُطَّابِ، فَوَاللَّهِ مَا تُعْطِينَا الْجُزْلَ، وَلَا تَحْكُمُ فِينَا بِالْعَدْلِ، فَعَضِبَ عُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ حَتَّى هَمَّ أَنْ يُوقَعَ بِهِ. فَقَالَ لَهُ الْحُرُّ: يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ؛ إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى قَالَ لِنَبِيِّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: { خُذِ الْعَفْوَ وَأْمُرْ بِالْعُرْفِ وَأَعْرِضْ عَنِ الْجَاهِلِينَ } [سورة الأعراف: 198] وَإِنَّ هَذَا مِنَ الْجَاهِلِينَ، وَاللَّهِ؛ مَا جَاوَزَهَا عُمَرُ حِينَ تَلَاهَا، وَكَانَ وَقَافًا عِنْدَ كِتَابِ اللَّهِ تَعَالَى. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ [4642].

55. Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Уяйна ибн Ҳисн келиб, жияни Ҳурр ибн Қайсинг уйига тушди. У Умар ўзига яқин тутадиган кишилардан эди, чунки қорилар қари бўлсин, ёш бўлсин, Умарнинг мажлису машварат аъзолари эдилар. Уяйна жиянига: «Эй жиян, бу амирнинг олдида эътиборинг бор, ҳузурига мен учун изн сўраб берсанг?» деди. У Уяйна учун изн сўради. Умар унга изн берди. У унинг олдида кириб, «Ҳой Ибн Ҳаттоб! Аллоҳга қасамки, бизга тўкин-сочин қилиб бермаяпсан, орамизда адолат билан ҳукм қилмаяпсан!» деди. Умар ғазабланиб кетди, ҳатто унга хезланди ҳам. Шунда Ҳурр: «Эй мўминларнинг амири, Аллоҳ таоло Ўз Набийси соллаллоху алайҳи васалламга: **«Кечиримли бўл, маъруфга буюр ва жоҳиллардан юз ўгир»**, деган.^[1] Бу ҳам жоҳиллардан-да», деди. Аллоҳга қасамки, у Умарга буни тиловат қилган пайт (Умар) бунга бепарво бўлмади. У Аллоҳнинг Китоби олдида таққа тўхтайдиган киши эди».

Имом Бухорий ривоятлари.

Шарҳ: Тафсиру Саълабийда келади.

Жаъфар Содик: «Қуръонда гўзал ахлоқни жамлаган **«Кечиримли бўл, маъруфга буюр ва жоҳиллардан юз ўғир»** оят каби бошқа бирор оят йўқдир», деб айтганлар.

Энг муҳим ахлоқлар уч турга бўлинади.

1. Ақлга оид. 2. Шаҳватга оид. 3. Ғазабга оид.

Ҳар бир ахлоқнинг ўртачаси фазилатдир. Ақлники ҳикмат бўлиб, амру маъруф ва наҳий мункар шулар жумласидандир.

Шаҳватники иффат бўлиб, кечиримли бўлишдир.

Ғазабники шижоат бўлиб, жоҳиллардан юз ўгиришдир.

Ушбу ҳадисда бир қанча фойдалар бор. Улардан:

- Одамларни ўз жойига ўтқизиш.
- Олим кишини ёши кичик бўлгани учун ҳақир санамаслик. Юқори мартаба илм ва тақвода бўлади. Фазл Аллоҳнинг қўлидадир, уни хоҳлаган кишисига беради.
- Тажрибалик арбоблар билан маслаҳат қилиш фазилати.
- Имом ва бошлиқ кишилар уламо ва зоҳидларни мажлисига жалб қилиши. Умар ибн Хаттоб камолот берилгани учун жоҳилларга аралашиб юрмадилар. Мажлисларига олим ва зоҳидларни тўпладилар.
- Ғазабни ичга ютиш, сабр ва жоҳиллардан йироқ туриш.
- Аллоҳнинг китоби қаршисида тўхташ, гарчи нафсга ёқмаса ҳам.

[1] Аъроф сураси, 199-оят.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI